



Тошкент вилояти

“Пахта” нефть базаси унитар корхонаси Тошкент вилоятидаги Оққўрғон, Қуйи Чирчиқ, Чиноз, Зангиота ва Янгийўл туманларидаги 1341 та фермер хўжалигига ёниги-мойлаш махсулотлари таъминоти бўйича хизмат кўрсатади. Ушбу корхонада фермерларга хизмат кўрсатиш бўйича жорий этилган янги тизим ибратли деб топилди. Мазкур тажрибани республика бўйича кенг оммалаштириш, корхонадаги қурилиш, ободончилик, интенсив боғлар яратиш, ёрдамчи хўжаликлар ташкил этиш бўйича қилинган ишлар намуна сифатида кўрсатилди.

ҲИСОБЛИ ДЎСТ АЙРИЛМАС

ФАОЛИЯТДАГИ АНИҚ ҲИСОБ-КИТОБ ТАЪМИНОТ БАРҚАРОРЛИГИНИ ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Ғап шундаки, корхона қошида ФЁТШлар билан фермерларга хизмат кўрсатувчи янги қишлоқ хўжалик гуруҳининг фаолияти йўлга қўйилди. Ушбу гуруҳ барча ҳудудларда фермерларнинг ёниги-мойлаш махсулотларига бўлган эҳтиёжлари борасида аниқ мониторинг олиб борадиган бўлди. Бошқача қилиб айтганда, ҳар бир литр махсулотни мақсадсиз ишлатишга, чек қўйилди. Ҳўш, бу қандай натижа берди?

— Ётти ой давомида ўтган йилга нисбатан таъминот бўйича 350 миллион сўм иқтисод қилинди, — дейди “Пахта” нефть базаси унитар корхонаси раҳбари Абдуқошим Муҳаммадиев. — Ушбу маблаг фермерларнинг эҳтиёжидан чегириб тежалмади, аксинча, доимий мониторинг асосида аниқ ҳисоб-китоб юритиш тўғрисида йўзга келди.

— Таъминот аввалги даврлардагига нисбатан анча яхшиланди, — дейди Чиноз туманидаги М.Ғуломов номи фермер хўжалиги раҳбари Мирқамол Ғуломов. — Чунки гуруҳ аъзолари доимий равишда фермерлар билан далада бирага юрадиган, ўзлари керакли махсулот миқдорини аниқлаб, таъминлайдиган бўлишди. Хўжалигимиз ихтиёрида 2745 гектар ер бор. Техникаларимиз ҳам анчагина. Шунга қарамай, ёниги таъминотида узилиш йўқ. Бу йил ғалладан мўл ҳосил олдик. Пахта режасини ҳам туманда биринчилардан бўлиб уддаладик. Кузги дон экишни ҳам уддалаб қўйганмиз. Бу муваффақиятларимизда янги тизимнинг хизмати бор, албатта.

Шунингдек, корхонада яна бошқа ибрат бўларли тадбирлар ҳам амалга оширилмоқда. Чиноз тумани ҳудудида турли хил серҳосил мевали дарахт кўчатларидан иборат 10 гектарлик интенсив боғ барпо этилган эди. Бу йил қарийб 5 тонна нишонга ҳосил олинди. Эрта кўкламадасос солиниб, мавсумда 155 килограмм балиқ чавоқлари боқилган ёрдамчи хўжаликдан ҳам ҳадемай дастлабки парҳез махсулотлари аҳоли дастурхонига тортиқ қилинади. Унитар корхона қошида ташкил этилган қурувчилар бригадаси томонидан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Шу кунларда маъмурий бино замонавий услубда тўлиқ таъмирдан чиқариляпти. Мажлислар зали, тиббий хонаси, газнахона ҳамда бошқа хизмат шохобчалари барпо этилди. Техник ходимлар учун ҳам корхона ҳудудида ишлаш шароитлари тубдан яхшиланди. Коллеж битирувчилари билан жамоа сафи янада кенгайтирилди. Бугунги кунда мазкур унитар корхонада бошланган ибратли саъй-ҳаракатлар тизимдаги бошқа жамоаларда ҳам кенг оммалаштирилмоқда. Ҳусусан, вилоятдаги бошқа туманларга хизмат кўрсатаётган “Кучлук” унитар корхонасида ҳам ҳозирги пахта йиғим-терими мавсумида фермерларга ёниги-мойлаш махсулотлари етказиб беришда таъминотчилар томонидан намуна ишлар амалга ошириляпти. Фермерлар учун ташкил этилган 79 та шохобчада аниқ вақтда кечасию кундузи иш қизғин.

— Мавсумда иштирок этаётган техникаларни узлуксиз ишлатишни таъминлаш мақсадида ёниги-мойлаш махсулотларини дала бошига етказиб беришни йўлга қўйганмиз, — дейди “Кучлук” унитар корхонаси ФЁТШлардан фойдаланиш бўлими бошлиги Акмал Мўминов. — Бунинг учун ушбу тадбирларга автоёнигилик ва 5 та мослаштирилган агрегатлар жалб этилган. Фермерларга оператор, ҳайдовчи ва техник ходимларимиз камарбаста бўлишмоқда.

Ҳақиқатан ҳам вилоят фермерларининг пахта хирмонларини кун сайин юксалиб боришига таъминотчи корхонаси жамоаси салмоқли улуш қўшмоқдалар.

Иброҳим ТОШЕВ, “Qishloq hayoti” мухбири.

Навоий вилояти

ҲОСИЛИ МЎЛ, ШАШТИ БАЛАНД НАВОЙЛИКЛАР

Пахтачиликда мўл ва сифатли ҳосил етиштиришнинг омиллари кўп. Бу жараёнда йилнинг қандай келиши, агротехник тадбирларнинг мақбул муддатларда ўтказилиши, навнинг тўғри танланиши муҳим ўрин тутади. Жорий йилда Навоий вилояти пахтакорлари ҳам мўл ҳосил тўпладилар. Уни кузнинг ёғин-сочинли кунларига қолдирилмасдан йиғиштириб олиш борасида кўрсатилган азму шижоат ўз самарасини берди. Шу кунгача асосий ҳосил йиғиштириб олинди. Ҳали далаларда ҳосил мўл. Бу эса жорий йилдаги қулай иқлим шароити ва давлатимиз томонидан яратиб берилган имкониятлардан пахтакорларнинг унуми фойдаланганиклари кўрсатади.

Истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида амалга оширилган ислохотлар самарасини бугун Навоий вилояти пахтакорлари тўплаган ҳосилда, уяётган хирмонда ҳам кўриш мумкин. Бугунги натижа соҳага илғор тажриба ва технологияларни жорий этиш, деҳқонлар меҳнатининг қадрланиши натижасидир. Аини пайтда ҳосилдорликни ошириб бораётган фермерлар сафи эса торабора кенгаймоқда. Хатирчи, Қизилтепа, Навбахор, Кармана, Конимех туманларидаги фермер хўжаликларида тайёрланган ҳосил тўлиқ юқори навлар-

га сотиляпти. Қизилтепа туманидаги “Оқрабоб” фермер хўжалигида 36,2 гектарлик пахтазорнинг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил олинди. Хатирчи туманидаги “Ғофиржон Абдуҳолиқов” фермер хўжалигида ҳам мўл ҳосил етиштирилди. 70 тонна юқори сифатли пахта тайёрланиб, ҳар бир гектар ҳосилдорлиги 35 центнердан ошди.

Вилоят пахта хирмонининг юксалишига “Ибодулло Муқимов”, “Кўчқор Карим”, “Ванғози баракали ҳосили”, “Маҳмуд Ражаб орузи”, “Неъмат Барно”, “Аҳмад”, “Шахноза” каби фермер хўжаликлари муносиб ҳисса

қўшишмоқда.

Вилоят Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг бошлиғи Ҳабиб Зарипов пахтачиликда эришилаётган ютуқлар омиллари ҳақида шундай дейди:

— Ерга уруғ тушгандан то терим бошлангунга қадар мўл ҳосил етиштириш мақсадида барча агротехник тадбирлар ўз вақтида бажарилди. Жумладан, ёзнинг аини жазирамасида экинлар ривожини жадаллаштириш, ғўзани ўз вақтида сифатли культивация қилиш, қоқоқ майдонларга қўшимча ишлов бериш, “шарбат” билан суғориш, чеканка қилиш, ҳашаротларга қарши курашиш

тадбирларининг сифатли амалига оширилгани ўз самарасини берди.

Ғўза агротехикасида қатнашаётган механизаторлар ва сувчилар учун даланинг ўзида “Меҳанизаторлар уйи” ташкил этилиб, уларга барча шарт-шароитлар яратилди.

Ғўза майдонларида зараркунанда ва касалликлар тарқалишининг олдини олиш ҳамда уларга қарши курашиш чораларини белгилаш мақсадида “Навоийпахтасаноат” ҲАБ тизимидаги пахта тазалаш корхоналари томонидан 96 нафар энтомолог-агроном ҳамда 172 нафар дала назоратчиси доимий ишга олиниб, махсус кийим-кечак ва зарур қўлланмалар билан таъминланди.

Зараркунандаларга қарши курашишда биологик усулдан кенг-кўл фойдаланишга асосий эътибор қаратилди. Биомеханизаторлар ишлаб чиқарадиган мавжуд 11 та вилоятлабораториянинг тўла қувватда ишлаши учун кенг шароит яратилди.

Ғўза парвариши даврида самарали меҳнатлари билан ўрناк кўрсатган механизатор, сувчи,

фермер хўжаликлари аъзоларини моддий ва маънавий рағбатлантириш тизими мўл ҳосил етиштиришда катта аҳамиятга эга бўлганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Айтиш керакки, вилоят қишлоқ мулкдорлари доимо меҳнатга, яратишга, яшнаттишга чанқоқ. Буни уларнинг фидокорона меҳнатлари мисолида ҳам кўриш мумкин.

Бугун вилоятдаги пахтакорлар ҳамда, уларга хизмат кўрсатувчи ташкилотлар вакиллари билан суҳбатлашсангиз, уларнинг яратиб берилаётган шароитдан миннатдорлигини ҳис қиласиз. Бу йил йиғим-терим мавсуми ҳар қачонгиданда юксак ва самарали ўтмоқда. Таниқли санъаткорлар, тиббиёт, савдо ҳамда маъшии хизмат ходимлари далада ишлаётганлар хизматида бўлишмоқда. Буларнинг барчаси юрт хирмониининг юксак бўлишига қаратилган. Ҳосил мўл, хирмон баланд бўлар экан, юрт тараққиёти юксалиб, фаровонлигимиз янада ошади.

Абдурасул САТТОРОВ, “Qishloq hayoti” мухбири.

Сурхондарё вилояти

Сурхондарё вилоятининг Шарғун шаҳарчасида кўмир кукунидан брикет ишлаб чиқарадиган янги корхона иш бошлади. Хорижнинг замонавий технологияси билан жиҳозланган корхонада ўндан ортиқ киши иш билан таъминланди. Аини пайтда тежамкор янги ускуналар ёрдамида “Шарғункўмир” акциядорлик жамиятида кўмир кукунидан ҳар кун иш тоннага яқин арзон, сифатли ва рақобатбардор қаттиқ ёқилги ишлаб чиқарилмоқда.

ЧИҚИНДИНИ ҚАЙТА ИШЛАШ

КўМИР КУКУНИДАН БРИКЕТ



— Корхонани барпо этишда Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Денов бўлими 500 миллион сўм имтиёзли кредит маблағи ажратди, — дейди корхона раҳбари Баҳоидир Пирназаров. —

Ишлаб чиқараётган дастлабки махсулотимизни аҳоли, таълим, тиббиёт муассасалари ва иссиқхона ташкил этган тадбиркорлик субъектлари харид қилмоқда. Келгусида корхона қувватини янада

ошириш ҳисобига йигирмага яқин иш ўрни ташкил этиб, махсулотнинг бир қисмининг хорижга экспорт қилишни мўлжалламоқдамиз.

Х.МАМАТРАЙИМОВ, ЎЗА мухбири.

Қашқадарё вилояти

АРХИВ — ТАРИХ КЎЗГУСИ

Ҳар бир кунимиз, қилаётган эзгу амалларимиз, хайрли ишларимиз фаолиятимиз тарихга айланиб бораверади. Бир кун келиб уни сарҳисоб этганимизда, авлодларимиз фаолиятимизга назар ташлаганда ёки бўлмаса бошқа зарурат юзасидан саволлар туғилганда ҳужжатлар тилга кироди. Бунда эса бевосита яратилган муҳим тизим — архивга мурожаат этамиз.

Ҳа, ҳаққоний тарихни билишда архив ҳужжатлари ҳар бир шахсинг, жамоа аҳлининг ёки маълум ҳудудга мансуб аҳолининг ҳаётий фаолиятидан гувоҳлик бериб, унинг жамият ҳаётида тутган ўрнини бевосита баҳолаб берувчи ҳужжатдир.

Мамлакатимизда ушбу тизимни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, соҳада қатор ижобий ўзгаришлар амалга ошириляпти.

Аини пайтда Қашқадарё вилояти давлат архивида 597 жамғармада 85 минг 772 саклов бирлигидаги ҳужжатлар сақланмоқда. Ил сайин архив фаолияти такомиллашиб, замонавий компьютерларда ҳар йили қиматли маълумот ва ҳужжатларнинг электрон нусхаси яратилаётир. Юридик ва жисмоний шахслардан тушган аризалар қаноатлантирилиб, уларнинг муаллифларига тегишли жавоблар қайтариляпти. Иш жараёнида замонавий технологияларнинг татбиқ этилаётгани архив фойдаланувчиларига ҳам, архивда ишловчиларга ҳам қатор қулайликлар яратмоқда.

Шунинг баробарида, янгидан-янги маълумот билан бойиб бораётган ушбу маскан аини пайтда кенг жамоатчилик, тарихчи олимлар, илмий-тадқиқотчиларнинг ижод марказига айланган.

— Бизда тадқиқотчиларнинг илмий иш олиб боришлари учун барча шарт-шароитлар яратилган, — дейди Қашқадарё вилояти архив иши бошқармаси бошлиғи Абдурашид Бўтаев. — Ҳусусан, биргина 2012 йилнинг ўзида Мирзо Улўғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети тарих факультети “Ўзбекистон тарихи” кафедраси тадқиқотчиси Суннатулла Исмоилов “Ўзбекистонда нефть ва саноатнинг ривожлантириш тарихи” (1991-2010 йиллар), Қарши Давлат университети тадқиқотчиси Раъно Тўхтаева, Дилдора Адилвалар “Аҳолининг ижтимоий ҳаёти, миллий маданиятининг ривож-

ланиши аънавалари ва муаммолари”, “XIX аср охири ва XX аср бошларида Шаҳрисабз шаҳри” мавзусидаги илмий ишларида архив ҳужжатларидан маъна сифатида фойдаландилар. Шунингдек, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти ўқитувчиси Зиёло Сафарова, вилоят Адлия бўшқармаси ходими Нодира Қодирова, Косон туманидаги “Бойғунди” маҳалла фуқаролар йиғини котиби Тошметов Жўраев, “Аму-Қашқадарё” ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги Гидрогеология-мелиоратив экспедиция ходими Оққўзи Эминов ҳам ўз мавзулари бўйича архив ҳужжатларига суяниб иш олиб бордилар.

Вилоят давлат архивида таниқли ёзувчилар, тарихчи олимлар, жамоатчилик вакиллари, изланувчи тадқиқотчиларга яратилган кенг имкониятлар самараси ўлароқ, архив ҳужжатлари ёрдамида халқимиз моддий ва маънавий ҳаётининг турли қирралари ёритилган рисоалар ҳам чоп этилмоқда. Жумладан, тарихчи олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи Поён Равшанов 25 йилдан бунён ушбу маскан билан ҳамкорликда тарихий-бадиий асарлар яратмоқда. Тарих фанлари доктори, профессор Обод Жўрақуллов, иқтисод фанлари номзоди Шойкул Каримов, тарих фанлари номзоди Қамбар Насриддинов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Юсуф Бердиев, “Дўстлик” ордени соҳиби, шоир Владимир Угрюмов, журналист Исмаил Очилваларнинг ижодида ҳам бевосита архив ҳужжатлари асқотди.

Сирасини айтганда, илмий-тарихий, қимматли маълумот ва ҳужжатлар сақланаётган Қашқадарё вилояти давлат архиви келажак авлодларга шу ҳудуд, шу юрт тарихига оид энг ҳаққоний манбалар мажмуи, қимматли жаҳоирлар ҳазинасидир.

Ҳусан ТЕМИРОВ, “Qishloq hayoti” мухбири.

СОҲА САМАРАДОРЛИГИ

УНИНГ РЕНТАБЕЛЛИГИ ВА ЮҚОРИ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИДА ЁРҚИН НАМОЁН

Мамлакатимизда мева-сабзавот ва узум етиштириш, уларни қайта ишлаш қишлоқ хўжалигининг сердаромад тармоқларидан ҳисобланади. Аиниқса, узумнинг майиз қилиб қурилгани, узум махсулотлари хорижий мамлакатларда ҳамisha харидордир.

ошириш, корхоналарни модернизация қилиш орқали махсулотлар сифатини яхшилашга қаратилган доимий эътибор нафақат бозорларимизга барак критаётгани, балки қайта ишлаш корхоналарининг экспорт салоҳиятини ошираётганини таъкидлади.

Қайд этилганидек, 2011-2013 йиллар давомида холдинг компанияси раиси ўринбосари Фаридага мавжуд тоқзорлар 2,9 минг гектардан 4,4 минг гектарга етди. 2015 йилгача яна барпо этилаётган тоқзорлар эса 7,3 минг гектарга етказилиши кўзда тутилмоқда. 2012 йилда қайта ишлаш корхоналарида 19,2 минг тонна узум қайта ишланган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткичи 30,1 минг тоннага етказиш мўлжалланмоқда.

Аини пайтда юртимизнинг тоғолди ҳудудларида янги тоқзорлар барпо этаётган фермер хўжаликларида амалий ёрдам кўрсатилаётгани ҳам эътиборга молик. Жорий йил баҳорида Жиззах вилоятининг тоғолди туманларига янги тоқзорлар бар-

по этиш учун 291,6 миллион сўмлик 180 минг донга тоқ кўчати етказиб берилди. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги фермер хўжаликларига эса 40 минг донга тоқ кўчати ҳомийлик ёрдами тариқасида тарқатилди.


Фермер хўжаликлари тасаруфидоги тоқзорлар самарадорлигини ошириш уларга кўрсатилаётган сервис хизматлари билан бевосита боғлиқ. Шу боис, холдинг компанияси томонидан мамлакатимизнинг узумчиликка ихтисослашган туманларида фермер хўжаликларга консалтинг-техник хизмат кўрсатувчи марказлар фаолияти йўлга қўйилди.

Шу ўринда сентябрь ойининг бошида серкўёш ўлкамизда етиштирилган 17 хил узум нави Украинанинг Симферополь шаҳрида ўтказилган “Узумнинг олтин шингиллари — 2013” (“Golden Bunch of Grapes — 2013”) халқаро кўргазмасида олтин кубкога эга бўлганини таъкидлаш жоиз. Мазкур кўргазма давомида Тошкент, Фарғона, Наманган, Анди-

жон вилоятларида етиштирилган “Оқ хусайни”, “Келин бармоқ”, “Кетмон соли”, “Андижон қора”, “Ризамат ота”, “Нимранг кишмиш” каби узум навлари хорижлик эксперт ва фермерлар томонидан юқори баҳоланди.

Мамлакатимизда қулай инвестициявий муҳит яратиш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, корхоналарга замонавий технологияларни жорий этишга қаратилган қатор дастурий қарорларнинг ижроси доирасида 2006-2012 йиллар давомида “Ўзвиносаноатхолдин” компанияси тизимидаги узумни қайта ишлаш корхоналари томонидан 155 миллиард сўмдан зиёд инвестиция жалб этилиб, 100 дан ортиқ лойиҳа амалга оширилгани корхоналарни замонавий технологик ускуналар билан жиҳозлашга имкон бергани тадбир қатнашчиларининг диққат марказида бўлди.

Тадбирда 11 мингдан зиёд иш ўрни яратилган ва йилга 200 минг тонна узумни қайта ишлаш қувватига эга холдинг компаниясида 2013-2015 йиллар давоми-



Олтиариқлик Тоғжали ота Тоғжидавлатов тажрибали боғбон. У жорий йилда узумзоридан 8 тонна ҳосил қутариб, эл дастурхони тўқин-сочин бўлишига ўз ҳиссасини қўйди.

Аҳмад ҲАМДАМ олган сурат.

да истиқболли корхоналар қуриш, мавжудларини қайта жиҳозлаш ва модернизациялаш мақсадида 135 миллиард сўмлик 80 дан зиёд лойиҳани амалга ошириш мўлжалланаётгани ҳам алоҳида таъкидланди.

Бундан ташқари, тизимдаги корхоналарда қўшимча равишда 30 дан зиёд инвестиция лойиҳасини амалга ошириш кўзда ту-

тилмоқда. Нон, қандолат махсулотлари, қуюқ шарбатлар, консерва ва салқин ичимликлар ишлаб чиқариш шулар жумласидандир.

Тадбир якунида журналистлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга атрафлича жавоб олдилар.

Сайидодил САЙИДИСЛОМОВ, “Qishloq hayoti” мухбири.

ҚАРОР ВА ИЖРО

Жиззах Вилояти

МУКОФОТЛАНГАНЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

МАВСУМ МАНЗАРАЛАРИ

«ЖАСОРАТ» ЙЎЛИ

Мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма икки йиллиги муносабати билан Президентимизнинг Фармонига биноан «Жасорат» медали билан тақдирланган бир гуруҳ юртодошларимиз орасида Мирзачўл туманидаги «Ирода-Дилдора» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Абдунаби Абдуқаюмов ҳам бор. Унинг фаолияти, ҳаёти ҳақиқатан ҳам катта жасорат йўлидир.

Абдунаби Абдуқаюмовнинг Мирзачўлга келганига ҳам, умумий меҳнат стажига ҳам 37 йил тўлди. Лекин унинг «Меҳнат дафтарчаси» да атиги учтагина битик бор. Булар — Мирзачўл тумани ишчилар таъминоти бўлимига қарашли дўконда сотувчи, туман «Матлуботсавдо» жамиятига қарашли дўкон мудири ва 2001 йилдан бошлаб хусусий тадбиркор бўлиб ишлаб келаётгани ҳақидаги ёзувлардир.



Абдунаби бир неча кун ичида дўконни қайта таъмирлатди. Ичкарасини эса керакли маҳсулот ва товарлар билан тўлдирди. Шу тариқа ёш йигит жуда тез қишлоқ одамларига аралашиб кетди. Беш-олти йилдан сўнг уйдади. Дилором ҳам шаҳарлик эди. У болалар врачлари экан. Бу ҳам қишлоқ кишиларини қувонтирди. Қолаверса, жонбозлик ва фидойилик билан меҳнат қилаётган Абдунабидан ҳам барча миннатдор эди.

1992 йили хизмат вазифаси билан юрган кунларидан бирида автохалокатга йўлиқди ва икки оёғи тиззасидан кесиб ташланди. Ушундан Абдунаби билан қишлоқ одамлари ҳам бирга қайғуриб, бирга дард чекди. Кўпчилик «Энди ҳаммаси тамом, Абдунаби шаҳарга кўчиб кетади ва бу ердаги савдо-сотиқ ишларини ҳеч ким у каби эплай олмайди», деб ўйлашганди. — Мен буни шифохонада ётган кунларимдаёқ тушунганман, — дейди Абдунаби ўша кунларни эсларкан. — Менга ҳам осон эмасди.

риб ва ёнидан қўшимча бинолар қуриб, қишлоқ аҳолисини кундалик эhtiёжлари учун зарур бўлган озиқ-овқат ва саноат маҳсулотлари билан таъминлай бошлади. Эр-хотин изланиш ва ташаббускорликларини давом эттиришди. 2009 йилда қаровсиз ва ташландиқ бинони ўз маблағлари ҳисобидан қайта қуриб, «Ирода-Дилдора» хусусий ишлаб чиқариш корхонасини ташкил этдилар. Корхона қошида қолипчи нон, макарон ишлаб чиқариш цехлари, ўн беш ўришли тикувчилик цехи, пойабзал таъмирлаш участкаси ва сартарошхона фаолият кўрсата бошлади. Уларда 22 та янги иш ўрни яратилиб, қишлоқ ёшлари ва хотин-қизлар ишли бўлишди.

«Ирода-Дилдора» корхонаси томонидан 2010-2012 йилда аҳолига 751,3 миллион сўмлик савдо ва маиший хизмат кўрсатилди. Биргина ўтган йили 91 минг дондан ортиқ қолипчи нон, 200 миллион сўмликдан зиёд аёллар ва болалар кийим-кечаклари ишлаб чиқарилди.

Абдунаби Абдуқаюмов бошлиқ жонқуяр тадбиркорлар яқинда корхона фаолиятини ривожлантириб, 35,3 миллион сўм сарфлаган ҳолда замонавий компьютер хизматларини йўлга қўйишди. Бундан нафақат иш билан таъминланган 6 нафар коллеж таъмирчиси, балки барча қишлоқ ёшлари беҳад хурсанд бўлдилар.

Ўтган йили корхона қошида 70 ўришли «Нуронийлар гурунги» чойхонаси ҳам ишга туширилди. Айни пайтда қишлоқ кексалари бундан миннатдор.

Абдунаби ака бошлиқ тадбиркорлар топган даромадларининг анча-мунчасини ҳомийликка сарфламоқда, — дейди фермер Қозоқбой Эргашев. — Жумладан, ўтган йили болалар спортини ривожлантиришга 2 миллион сўм, 5 нафар кам таъминланган оилалар учун 1,5 миллион сўм, ёлғиз қариялар, ногиронлар ва меҳнат фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашга 6 миллион сўм миқдорда моддий ёрдам кўрсатилади, аълочи ўқувчиларни рағбатлантириш, мактаб учун компьютер жамланмаси сотиб олиш ишларига ҳам 4 миллион сўмдан зиёд маблағ ажратди.

Ҳа, Абдунаби Абдуқаюмов ва унинг жамоаси мана шундай олийҳиммат кишилар. Уларнинг қишлоқни обод этиш йўлидаги сазой-ҳаракатлари, ҳаёт синовларидан мардона ўтиш боварисидан жасоратлари таҳсинга лойиқ.

Келдиёр ЖўРАКУЛОВ, «Qishloq hayoti» мухбири. СУРАТДА: Абдунаби ва Дилором Абдуқаюмовлар.

Анжунон Вилояти

Бугун юртимиз фермерлари истиқлол берган имкониятлардан фойдаланиб, юккас натижаларга эришмоқдалар. Жорий йил пахтачилик учун қулай келди. Пахтазорларда мўл ҳосил яратилди. Бу бугунги кунда — ҳосил йиғиштириб олинётган бир даврда янада ёрқин намоён бўлмоқда.

ЮКСАЛМОҚДА КУН САЙИН ХИРМОН, ДЕҲҚОН ШИЖОАТИ БУНДА НАМОЁН

Эрта баҳорда 6 минг 948 гектар майдонга уруғ қадаган миришкорлар уни йил давомида меҳр билан парваришладди. Айниқса, август ойида қилинган меҳнат ўзининг ижобий самарасини берди. Ҳосил мўл бўлди, хирмонлар юксалди. Айни пайтгача қабул масканларига топширилган хомашё 20,5 миқ тоннадан ошиб кетди. Энг муҳими, ҳосилнинг 81 фоиздан ортиги юқори навларга қабул қилинмоқда. Бу даромаднинг янада ошишидан далолатдир.

Жорий йилда республикамизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Пахтаобод туманида ҳам 40 центнердан ошириб ҳосил олиш ташаббуси кенг қулоқ ёзди. «Авангард», «Уткирбек Шокиров», «Агроном олим», «Шохруҳ Фарзонабон», «Абдуҷалил Раҳим», «Анорбой Абдуқаҳор», «Мақсуда Қаҳрамон», «Олтин», «Миржомидбой» каби фермер хўжаликлариде ҳосилдорлик 40-44,5 центнерни ташкил этди.

Туманимиз тоғолди ҳудудида жойлашган, шу боис, экинларни жойлаштиришда бир қатор ноқулайликлар мавжуд, — дейди Пахтаобод тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи Адхамжон Матисаев. — Айниқса, сув таъминоти барқарор эмас. Вегетация даврида сув таъминотида узилиш рўй бериши мумкин бўлган «Дўстлик», «Намуна», «Анджон», «Янги турмуш» массивларида галла салмоғи экин майдонига нисбатан етмиш фоизни ташкил этади. Озод, Олим Қурбонном, Ёқубов номли массивларда эса, аксинча, пахта нисбати етмиш фоизга етказилади. Шунинг эвазига галла ва пахта ҳосилдорлигида барқарорлик таъминланмоқда.

Айни пайтда қўллаб фермер хўжаликлариде шартнома режаларининг бажарилиши 110 фоиздан ортиб кетган бўлиб, уларнинг барчасида мавсум якуни билан 40 центнерлик маррани забот этишни мақсад қилинган. Далаларда эса ҳали ҳосил мўл.

Пахтакорларимиз йил давомида қилган меҳнати самараси — мўл пахта ҳосиллини кузинг ёғин-сочинли кунларига қолдирмасдан йиғиштириб олишдек муҳим мавсум давом этмоқда. Пахта эл бойлиги. Иқтисодиётимизни, тараққиётимизни юксалтирувчи манба. Хосилнинг мақбул мuddатда йиғиштирилиб олинши, энг аввало, унинг сифатини таъминлайди.

Ана шундай омиллари ҳисобга олиб, олтинқуллик пахтакорлар ҳам айни кунларгача 19 минг 100 тоннадан мўлроқ юқори сифатли ҳосил йиғиб-териб олишди. Фахрий деҳқон Абдуфаттоҳ ота Зайнобиддинов раҳбарлик қилаётган «Чашма» фермер хўжалигида ҳосилдорлик гектар ҳисобига 44,8 центнерга етди. Қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди Қўрқобой Турдалиев бошқараётган «Обод водий саховати» фермер хўжалигида ушбу кўрсаткич 42,7 центнерни ташкил этмоқда. «Асадбек Туркистон», «Турсунбой ота», «Бахт имкон ривож», «Бахт имкон файз», «Наврўз гулшани», «Қўҳна водий ишончи» сингари фермер хўжаликлариде ҳам мазкур кўрсаткич 40 центнердан ошди.

Ҳа, андижонлик фермерлар ўзларига билдирилган ишончини оқлаб, элу юрт ишига қармбаста бўлишмоқда. Буни биргина бугунги етиштирилган пахта ҳосилидан ҳам кўриш мумкин. Қўлга киритилаётган ютуқларни мустаҳкамлаб, турмуш фаровонлигини янада ошириш, тараққиётга муносиб улуш қўшиш мақсадида меҳнат қилаётган деҳқонлар ана шундай шижоат билан келажакка дадил одимламоқдалар.

Далаларда эса йғим-терим давом этмоқда. Ғўза қатор ораларига галла экин ишлари ҳам уюшқоқлик билан олиб борилмоқда.

Кобилжон АСҚАРОВ, «Qishloq hayoti» мухбири.

Хоразм Вилояти

Бугун воҳада бўлиб, пахта далаларини оралаган киши бободехқонларимизнинг бунёдкорона меҳнатлари самарасини кўриб ҳоваси ортади. Тўпланган «оқ олтин» ҳосили уларнинг қалб қўри, пешона тери, омилкорлигидан сўзлайди гўё...

Богот тумани «Қипчоқ» сув истеъмолчилари уюшмаси ҳудудидаги фермер хўжаликлариде фаолияти билан танишганимизда ҳам бунга гувоҳ бўлдик. Ушбу ҳудудда пахтачилик-галлачилик йўналишидаги 28 та фермер хўжалиги жорий йилда 1520 гектар майдонда ғўза парваришладди. Бу ердаги қишлоқ мулкдорларининг барчаси илғор. Улардан бири — Улуғбек Собиров. 78,7 гектар майдонда ғўза парваришлаган Улуғбек Собиров раҳбарлигидаги «Абдулла Ашраф» фермер хўжалиги аъзолари 230,7 тонналик шартномавий режаларини бажарган бўлса-да, терим суръати ҳамон пасайгани йўқ.

— 40 гектар майдонда уруғлик пахта етиштириб, 35 тонна хомашё топширдик, — дейди жамоа иш бошқарувчиси Мансурбек Собиров. — Бу эса ўз навбатида, даромадимиз янада юқори бўлишини таъминлайди. Ғўзаларни агротехника қондалари асосида парваришлаганимиз, маҳаллий ўғит — «Ер малҳами»дан унумли фойдаланганимиз,

айниқса, баргидан озиклантиришга эътибор қаратганимиз натижасида ҳосилдорлик янада ортди.

«Одамова Хонимжон Султонова» фермер хўжалиги далласидеги. Биринчи терим тулган бўлса-да, ҳосилни кўтаролмай бир томонга эгилган ғўзаларга боқамиз. Илк теримдаёқ шартномавий режасини бажариш даражасида ҳосил териб олинган далалардаги хар туп ғўзада 12-15 тандан очилган чаноклар яна ўшанча эртиндан очилай деб турган кўсақлар, 52 гектар майдонга чигит экиб, 165 тонна пахта топширишга шартнома имзолаган жамоанинг эл хирмонида топширган хомашёи хозиргача 153 тоннадан ошдиби. Йиғиб олинган ҳосилнинг 75 тоннаси уруғлик учун қабул қилинган. Бу фермер хўжалиги аъзоларининг мўл ва эртаги, юқори сифатли ҳосил етиштириш учун йил бўйи қилган меҳнатлари натижасидир.

Холмурод ҚУРБОНОВ, «Qishloq hayoti» мухбири.

Самарқанд Вилояти

Жомбой туманида «Сам угул комфорт» масъулияти чекланган жамияти иш бошлади. Лойиҳа қиймати 151,5 минг АҚШ долларига бўлган корхонада сифатли гишт ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

ҲАМ АРЗОН, ҲАМ СИФАТЛИ

Йилига 3 миллион дона пишқик гишт ишлаб чиқариш қувватига эга мазкур корхонанинг ташкил этилиши тумандаги 50 нафар қишлоқ ёшларини доимий иш ўрни билан таъминлади. — Обод турмуш йилида туманимизда 70 та намунавий лойиҳалар асосидаги замонавий ва кўркам турар-жойлар қад ростламоқда, — дейди корхона раҳбари Жамшид Давронов. — Айни кунда бу уйлари бунёд этаётган қурилиш корхоналарига арзон ва сифатли пишқик гишт етказиб берамиз.

Акбар ҚАРШИЕВ

Сургарё Вилояти

Ховос туманидаги соатига 40 кубометр қурилиш тош ишлаб чиқарадиган «Ховос тош индустрия» заводи эндиликда вилоятдаги 35 дан зиёд қурилиш корхоналарини икки турдаги майдаланган тош билан таъминлаётир.

ХОМАШЕДАН ТАЙЁР МАҲСУЛОТГАЧА

Завод жамоаси бетон қоршмасини тайёрлашда фойдаланиладиган тошни қайта ишлаб берабарда келгусида темир-бетон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш чораларини кўришмоқда. Ушбу лойиҳа амалга оширилиши билан корхонада яна 60 та янги иш ўрни яратилади.

Б.БЕКМУРОДОВ

Наманган Вилояти

ОЛТИН КУЗДА «КУМУШ ТОЛА»

Жорий йилда норинликлар тажриба тариқасида такрорий пилла етиштириб, ундан баракали хирмон яратиш мумкинлигини амалда исботлашди.

— Вилоятимизда фаолият кўрсатаётган «Вергоров ипаги» масъулияти чекланган жамияти билан ҳамкорликда Хитой давлатидан 375 қути ипак курти уруғи августда инкубаториямизга келтириб, жонлантиришга қўйди, — дейди Норин тумани «Бош пилла» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Раҳбарий Явминова. — Мазъумки, пилла етиштириш жараёни нозик ва мураккабдир. Бу эса инкубатория ходимларидан ўз вазифаларига ўта масъулият билан ёндашишни талаб этади. Шу боис, бош агроном Салимаҳон Сулаймонова, Мўқаддасхон Йўлдошева, Мукаррамхон Абдураҳмонова ҳамда Нодирахон Худайбердиевалар кунларни тунга, тунларни кунга улаб, зиммаларидаги вазифаларини аъло даражада уддалашди. Натижада сифатли жонлантирилган 375 қути ипак курти уруғи вилоятимиз пиллачиликларига ўз вақтида етказиб берилди. Бевоисита, ўзимизга ҳам 30 қути қолдирилиб, 70 нафар тажрибали пиллачиликларга 5 граммдан 10 граммгача тарқатдик.

Шоҳиста Рустамова, Зухраҳон Бекжонова, Олмахон Норинова каби пиллачилик такрорий «Кумуш тола» етиштиришда илгорликни қўлга киритиб, бошқаларга ўрнак бўлишди. Хар бир қути курт уруғидан ўртача 60-65 кг. дан пилла етиштирилди.

Дарвоқе, кейинги йилларда Норин туманида пиллачиликнинг ўзига хос мактаби яратилиб, улар томонидан улкан пилла хирмони яратиб келиняпти.

нова ҳамда Нодирахон Худайбердиевалар кунларни тунга, тунларни кунга улаб, зиммаларидаги вазифаларини аъло даражада уддалашди. Натижада сифатли жонлантирилган 375 қути ипак курти уруғи вилоятимиз пиллачиликларига ўз вақтида етказиб берилди. Бевоисита, ўзимизга ҳам 30 қути қолдирилиб, 70 нафар тажрибали пиллачиликларга 5 граммдан 10 граммгача тарқатдик.

Шоҳиста Рустамова, Зухраҳон Бекжонова, Олмахон Норинова каби пиллачилик такрорий «Кумуш тола» етиштиришда илгорликни қўлга киритиб, бошқаларга ўрнак бўлишди. Хар бир қути курт уруғидан ўртача 60-65 кг. дан пилла етиштирилди.

Дарвоқе, кейинги йилларда Норин туманида пиллачиликнинг ўзига хос мактаби яратилиб, улар томонидан улкан пилла хирмони яратиб келиняпти.



Норинликлар 4800 қути ипак курти уруғидан режадаги 269 тонна ўрнига 274 тонна пилла хирмонини бунёд этишган эди. Энди эса улар такрорий пилла етиштиришда ҳам ташаббускорликни кўлдан бермай, бу борода бошқаларга ибрат бўлишди.

Маъмур МУСУЛМОНОВ, «Qishloq hayoti» мухбири.

ТАЖРИБА

Қорақалпоғистон Республикаси

РАВОН ЙЎЛЛАР ЮРТ ОБОДЛИГИДАН СЎЗЛАР

Мамлакатимизда йўлсозлик соҳасида кенг қўламдаги қайта қуриш ва таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Айниқса, барча талабларга жавоб берадиган магистраллар бўйлағида замонавий инфратузилмалар, сифатли сервис хизматини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бу жараёнда Шимолий-ғарбий халқаро ва давлат аҳамиятидаги автомобиль йўллари шакллари сақлашга ихтисослаштирилган таъмирлаш-фойдаланиш корхонаси жамоаси ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Корхона жамоаси Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидаги 652 километрик халқаро, 978 километрик давлат аҳамиятидаги автомобиль йўллари шакллари, таъмирлаш бўйича хизмат кўрсатади. Корхона таркибиде Нукус, Қўнғирот ва Қоратов филиаллари фаолият олиб бориб, 700 нафардан зиёд ишчи-ҳодим меҳнат қилмоқда.

Корхона жамоаси томонидан А-380 «Ғузор-Бухоро-Нукус-Бейнов» автомобиль йўлининг 832-846 километрлари ораллиғидаги 14 километрик қисмида тўлиқ реконструкция ишлари олиб борилди. Бундан ташқари, Президентимизнинг 2010 йил 21 декабрдаги «2011-2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида»ги Қарорига асосан Нукус аэропортининг учиш-қўниш йўлағида реконструкция ишлари бажарилди.

— Бугунги кунда А-380 «Ғузор-Бухоро-Нукус-Бейнов» автомобиль йўлининг 698-753, 812-832, 916-964 километрик қисмларида қайта қуриш ишлари амалга оширилмоқда, — дейди Шимолий-ғарбий халқаро ва давлат аҳамиятидаги автомобиль йўллари шакллари сақлашга ихтисослаштирилган таъмирлаш-фойдаланиш корхонаси директори Арслонбой Гобенов. — Ушбу халқаро аҳамиятдаги автомагистралнинг 652 километри Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида бўлиб, шунинг 272 километри 4 полосали асфальт-бетон, 288 километри 2 полосали асфальт-бетон, 75 километри 4 полосали цемент-бетон йўл бўлиши режалаштирилган. Жорий йилда мазкур йўлнинг 171 километрини фойдаланишга топшириш кўзда тутилган бўлиб, бугунги кунга 144 километр маофасида қурилиш ишлари тугатилди. Халқаро автомагистраль бўйида 4 та кемпинг, 4 та мотель, 7 та автомобилларга ёқилги қуйиш шохобчаси, 8 та автомобилларга газ тўлдириш компрессор станцияси, 8 та авария қақуруви, тиббий ва техник ёрдам кўрсатиш, санитария-гигиена пункти, 8 та автомобиллар учун қисқа мuddатли тўхташ майдони фойдаланишга топширилди.

— Ишчи-ҳодимларимизга жойларда қулай шарт-шароитлар яратили, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида ҳам қатор ишлар олиб борилмоқда, — дейди корхона касаба уюшма кўмитаси раиси Аманнубаев. — Автогрейдерчи Айтен Сатимбетов, экскаваторчилар Жумабой Туреев, Хожабой Болеков, Муратбой Мусаев, бульдозерчи Қалбой Давлетаров, Улуғбек Холмановлар халқаро ва давлат аҳамиятидаги автомобиль йўллари қуриш ҳамда реконструкция қилишда илгорлик кўрсатмоқдалар. Кўп йиллик самарали меҳнати, йўлсозлик соҳасини ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси учун корхонанинг иш юритувчиси Қувват Искандаров, Қўнғирот филиалининг йўл устаси Муса Исмоилов, Нукус филиалининг бош муҳандиси Маҳмуд Қалменов, ушбу филиалнинг лаборатория бошлиғи Собиров Сейтимовалар «Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи» фахрий унвонлари билан тақдирланди. Бугунги кунгача 8 нафар ходимга қишлоқ жойлариде намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойлардан олиш учун моддий қўмак берилди. Ишчи-ҳодимларимизнинг 54 нафар фарзанди ёз ойлари

— дейди корхона касаба уюшма кўмитаси раиси Аманнубаев. — Автогрейдерчи Айтен Сатимбетов, экскаваторчилар Жумабой Туреев, Хожабой Болеков, Муратбой Мусаев, бульдозерчи Қалбой Давлетаров, Улуғбек Холмановлар халқаро ва давлат аҳамиятидаги автомобиль йўллари қуриш ҳамда реконструкция қилишда илгорлик кўрсатмоқдалар. Кўп йиллик самарали меҳнати, йўлсозлик соҳасини ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси учун корхонанинг иш юритувчиси Қувват Искандаров, Қўнғирот филиалининг йўл устаси Муса Исмоилов, Нукус филиалининг бош муҳандиси Маҳмуд Қалменов, ушбу филиалнинг лаборатория бошлиғи Собиров Сейтимовалар «Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи» фахрий унвонлари билан тақдирланди. Бугунги кунгача 8 нафар ходимга қишлоқ жойлариде намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойлардан олиш учун моддий қўмак берилди. Ишчи-ҳодимларимизнинг 54 нафар фарзанди ёз ойлари



да Тошкент вилотидаги «Транспортчи авлод» оромгоҳида дам олиб қайтдилар. Турли байрам тадбирларида фахрийлар, илгор ишчи-хизматчилар корхона раҳбарияти ва касаба уюшма кўмитаси томонидан рағбатлантириб турилади.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизнинг бошқа ҳудудлари қатори Қорақалпоғистон Республикасида ҳам йўлсозлик соҳасида мана шундай кенг қўламдаги ишлар амалга оширилмоқда. Халқаро стандартларга жавоб берадиган раван автомобиль йўллари эса юртимиз ободлиги, халқимиз манфаати учун хизмат қилмоқда.

Давуд АБИДУЛЛАЕВ

